

Сиқилган газ сотиш шартномаси № 10

2022 йил, «19» январь

Шўманой тумани

Бизлар, ушбу сиқилган газ сотиш шартномасини (бундан буён «шартнома») имзолувчилар «Shomanay metan» масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда «Етказиб берувчи» деб юритилади) директори О.Жиемуратов ва иккинчи томондан

Хосаммаат Мухоммади
А. Жамонов

(бундан буён матнда «Сотиб олувчи» деб юритилади) орасида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, «Масъулияти чекланган ва қушимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари, тарафларнинг низом асосида ушбу шартномани қўйидагилар хақида туздик.

1. ШАРТНОМА-ПРЕДМЕТИ

1.1. «Етказиб берувчи» қўйидаги маҳсулотни сотиш, «Сотиб олувчи» олдиндан 100% тўлаш шarti билан сотиб олиш мажбуриятларини оладилар.

№ т/р	Товар номи	ўлшам бирлиги	Жами йил учун	Жумладан квартал бўйича			
				I	II	III	IV
1	2	3	4	5	6	7	8
1	Сиқилган табиий газ (метан)	М ³	3702	3702			

1.2. Сиқилган газ (метан)ни «Сотиб олувчи»нинг автотранспорт воситасига етказиб бериш Шўманой тумани, Мамый ОФЙда жойлашган автомобилларга сиқилган газ тўлдириш станцияси (АГНКС) орқали амалга оширилади.

1.3. Сиқилган газ (метан) автомобилга қуйилган сана ушбу шартнома бўйича товар етказиб берилган сана ҳисобланади.

2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Шартнома тузилган кундаги баҳо 1 м³ сиқилган газ учун 2700 ҚҚС билан сўми ташкил қилади. Умумий шартнома баҳоси 9995400 сўм.ҚҚС билан.

Солик, хом ашё, материаллар, электр ресурслари, қонунчиликка кўра табиий газ баҳосидаги ўзгаришлар сиқилган газни сотиш баҳосига ўзгариш киритишга олиб келади.

2.2. Ҳисоб-китоб сиқилган газ (метан) автомобилга қуйилган санадаги баҳо бўйича амалга оширилади.

2.3. «Сотиб олувчи» томонидан бир ой учун буюртма суммаси олдиндан 100% тўланганидан кейин «Етказиб берувчи» томонидан сиқилган газ етказиб берилади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ, ШАРТНОМА МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БАЖАРМАГАНЛИГИ ЁКИ ЛОЗИМ ДАРАЖАДА БАЖАРМАГАНЛИГИ УЧУН ЖАВОБГАРЧИЛИГИ

3.1. «Етказиб берувчи»:

- автомобиль ҳайдовчисида гувоҳнома, йўлланма, газ баллонини ўрнатиш ва синовдан ўтказиш далолатномалари мавжудлигини текширади;
- автомобиль ҳайдовчиси АГНКСда белгиланган жойда йўловчиларини тушириб, фақат ўзи автомобилда колонка томонга техника хавфсизлигини сақлаган, навбатни, бошқа қоидаларни бўзмаган ҳолда киришини назорат қилади;

- олдиндан тўлик тўлов (ҳисоб-китоб) амалга оширилган тақдирда, асоссиз сиқилган газ етказиб беришни тўхтатса, ҳар бир ҳолатда олинмай қолган газ баҳосининг 10 % миқдорида жарима тўлайди.

3.2. «Сотиб олувчи»:

- сиқилган газ олиш ҳуқуқига эгаллиги ҳақидаги барча зарур ҳужжатларни тақдим қилиши лозим;
- автомобилнинг техник ҳолатига жавобгар бўлади;
- агар, олдиндан тўловдан қарздорлиги мавжуд бўлиб, газ олган тақдирда, ҳар бир кунга муддати ўтган қарзнинг 10 фоизи миқдорида жарима тўлайди;
- агар, қарздорлиги бир ойга белгиланган суммадан ошган бўлишига қарамадан газ олган тақдирда, қарз суммасига тенг миқдорда қўшимча 100 фоиз миқдорида жарима тўлайди.

4. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТИ

4.1. Тарафлардан бири ёнғин, сув тошқини, ер қимирлаши, эпидемия тарқалиши, авария, табиий офат, техник носозлик ва бошқа ўзига боғлиқ бўлмаган сабаблар билан мажбуриятини тўлик ёки қисман бажармагани форс-мажор ҳолати ҳисобланади.

Форс-мажор ҳолати исботланишига кўра тарафларни мажбуриятини тўла ёки қисман бажармагани учун жавобгарликдан озод қилади.

5. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

5.1. Шартнома тузилган пайтидан бошлаб кучга киради ва тарафлар учун мажбурий бўлиб қолади.

5.2. Шартнома мажбуриятлари бажарилмаганлиги ёки қисман бажарилмаганлиги сабабли жарима тўлаш ёки моддий зарарни қоплаш (зарарни асл ҳолатида тиклаш) асосий мажбуриятни бажаришдан озод қилмайди.

5.3. Солиштирув далолатномасини тасдиқловчи рад этган тараф энг кам иш ҳақининг 5 барабари миқдорида жарима тўлайди.

6. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛУВ ТАРТИБИ

6.1. Низоларни ҳал қилиш ўзаро келишув йўли билан ечилади.

6.2. Тарафлар орасида келишувга эришилмаган низолар ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ёки иктисодиёт суди орқали тартибга солинади.

6.3. Шартнома 2 (икки) нусхада тузилди. Улар тенг юридик кучга эга. Тарафларда бировдан сақланади, муддати 2022 йил 31-декабр

7. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ:

«Етказиб берувчи»	«Сотиб олувчи»
«SHOMANAY METAN» МЧЖ	
Шўманой тумани, Мамый ОФЙ	
АКТБ Ўзсаноатқурилишбанк Қўнғирот туман филиали,	
х/р 20208000900625729001,	
ИНН: 303906070, МФО: 00591	
ОКОНХ 71280 ОКЭД 45112	
Регистрационний код	
ҚҚС: 335200063166	
Тел: 038 90 592 80 99	
Директор Жиемуратов О	
М.О. <u>подпись</u>	

<u>Хотелелт Мадридани</u>
<u>ул. Анжир ул. 26</u>
<u>Тел 200398845</u>
<u>Р.и. 134020030100001010</u>
<u>Мадридни Тел. 1-Тел. 1000000000</u>
<u>Тел. 2004</u>
<u>Тел. 10007763352437011204018201</u>
<u>Балтаев</u>
М.О. <u>подпись</u>